

Озиқ-овқат махсулотларини етказиб бериш ШАРТНОМАСИ № 10

«10» январь 2022й

Пискент тумани.

«Уктамов Отабек» фермер хужалигининг Низоми асосида иш олиб борувчи рахбари О.Уктамов (кейинги матнда «Етказиб берувчи» деб юритилади) бир томондан ва «Пискент МТБ» нинг Низоми асосида иш олиб борувчи мудир в.в.б. А.Маматкулова (кейинги матнда «Сотиб олувчи» деб юритилади)лар бўлиб куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузадилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 «Етказиб берувчи» озиқ-овқат махсулотлари етказиб беришга, сотиб олувчи озиқ-овқат махсулотлари қабул қилиб олишга мажбурият оладилар.

1.2. Махсулот етказиб бериш, уни саралаш йўли билан етказиб берувчининг транспортида амалга оширилади.

2. МАХСУЛОТ МИҚДОРИ ВА АССОРТИМЕНТИ. (СПЕЦИФИКАЦИЯСИ)

2.1 Махсулот етказиб берувчи куйидаги озиқ-овқат махсулотларини етказиб бериш мажбуриятини олади. Яъни;

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
2	Олма	Кг	5080	10000	50800000
	ЖАМИ:				50800000

2.2 Шартноманинг умумий суммаси шундан бюджетдан ташқари ҳисобидан 50 080 000 (Эллик миллион саксон минг) сумни ташкил этади.

2.3. Томонлар ўзаро махсулот ҳажми ва етказиб бериш муддати (олиб келиш ва олиб кетиш) графигини келишиб оладилар.

2.4 «Етказиб берувчи» махсулотларни уз омборида сақлаб беришни зиммасига олади.

3. МАХСУЛОТ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ.

3.1. «Етказиб берувчи» махсулот берганда транспорт воситасидан туширилаётганда, «Етказиб берувчи» нинг вакили иштирокида ишончнома ва ҳисоб варақаси орқали олинади.

3.2. Етказиб берилаётган махсулотда мувофиқлик сертификати бўлиши шарт.

4. ХИСОБ КИТОБЛАР.

4.1. Ушбу шартномага мувофиқ «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб рақмига шартноманинг умумий қийматининг 30 % миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади. Қолган 70 % тўлов товар етказиб берилгандан сўнг ҳисоб варақаси орқали амалга оширилади.

4.2. «Сотиб олувчи» махсулот қийматини тўламаганда «Етказиб берувчи» махсулот беришни тўхтатишга ҳақли.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. «Сотиб олувчи» шартномада кўрсатилган ва келишилган график бўйича етказиб берилмаган махсулотни олишни рад қилганлиги учун «Етказиб берувчи»га қабул қилиб олинмаган ёки рад қилинган махсулот қийматини 15% миқдорида жарима тўлайди. Сифати бузилган, сақлаш муддати ўтган ва яроқсиз махсулотлар миқдори бундан мустасно.

5.2. «Етказиб берувчи» товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборган ёки тўлиқ етказиб бермаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган товар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарни умумий суммасининг 50%дан ошиб кетмаслиги керак. Пеня тўлаш товарларни етказиб бермасликдан озод қилмайди.

5.3. «Етказиб берувчи»нинг товарлари шартномада кўрсатилган сифат ва ассортиментга тўғри келмаган тақдирда, сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун ушбу товар қийматининг 20% миқдорида «Сотиб олувчи» томонидан ундириб

олинади, агар товар хақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Ўз вақтида тўланмаган ҳақ учун «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»га ҳақ тўлашни кечиктирган ҳар бир кун учун 0,4% миқдорда пеня тўлайди. Лекин пеня миқдори кечиктирилган сумманинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6. ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТУВЧИ ХОЛАТЛАР.

6.1. Шартнома мажбуриятларини бажариш ёки лозим даражада бажариш учун енгиб бўлмайдиган куч таъсир кўрсатса, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкони бўлмаганлиги, томонларнинг жавобгарликдан озод этувчи ҳолатлар ҳисобланади.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

7.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.3. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига муружаат қилишга ҳақлидир.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1 Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш томонларнинг келишувлари билан амалга оширилади.

9. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

9.1. Шартномани амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

9.2. Шартнома муддати тугагунга қадар томонлар шартномада кўрсатилган шартларни тўлиқ бажаришлари ва ҳисоб-китоб тўлиқ амалга оширилиши лозим.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Етказиб берувчи»

«Сотиб олувчи»

«Уктамов Отабек»
Фермер ҳужалиги
Пискент тумани
х/р 20208000904331299001
Банк: Микрокредитбанк
Пискент филиали
МФО 00473 СТИР 204347406

«Пискент МТБ»

Пискент тумани М.Маликов №1


Х/Р:400722860272507091100251003
МФО 00014 СТИР 207267915

Пискент т Газначилик булинмаси
Тошкент ш Марказий банк Бош б ХККМ
Ягона Газначилик ҳисоб раками
23402000300100001010
СТИР 201122919 МФО 00014



раҳбар О.Уктамов
М.П

раҳбар в.в.б: А.Маматкулова
М.П



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

№-57

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi

“O`ktamov Otabek” fermer xo`jaligi “yetkazib beruvchi” va Piskent tumani Maktabgacha ta`lim bo`limi “sotib oluvchl” o`rtasida oziq-ovqat mahsulotlarini yetkazib berish to`g`risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma`lumot: Shartnoma loyihasi Maktabgacha ta`lim bo`limi tomonidan 2022 yil 24 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyihani rasmiylashtirishda, O`zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi 364, 366-moddalari, O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo`jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to`g`risida”gi 670-I-son Qonunining 10-moddasi talablariga rioya qilingan, yetkazib beriladigan mahsulot (xizmatlar) tovarlari miqdori, tovarlar narxi umumiy qiymati 50 080 000 (ellik million sakson ming) so`m, hisob-kitoblar, tomonlarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartiblari qayd etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



J.Mavlonov